

«Uzbekistan Airways»
АЖ Якка акциядорнинг 2019 йил «18»
октябр кунги.4-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНДИ»

**«UZBEKISTAN AIRWAYS» АКЦИЯДОР ЖАМИЯТИНИНГ
ИЧКИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА
ЙЎ Р И Қ Н О М А**

Мазмуни

- I. Умумий қоидалар.
- II. Ички назорат тизимининг тамойиллари.
- III. Ички назорат тизимининг таркибий қисми.
- IV. Хатар-хатарни баҳолаш.
- V. Ички назорат тизимида бажариладиган иш тартиби.
- VI. Жамият ички назорати тизимини ишлаб туришини ташкил этиш.
- VII. Ички назорат учун маъсул шахслар ва органлар.
- VIII. Жамият ички назорат органлари аъзоларини таркиби ва малакасига талаблар.
- IX. Жамият ички назорат органини акциядорларнинг умумий мажлиси, Кузатув кенгаши, мониторинг акциядорлар кумитаси ва Жамият акциядолари билан ўзаро ҳамкорлик тартиби.
- X. Ички назорат тизимида ҳисоботларни шакллантириш регламенти ва таркиби.
- XI. Ички назорат тизими мониторинги ва Жамият ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш учун маслаҳатчи – мустақил профессионал ташкилотларни жалб этишни тартиби.
- XII. Ички назорат органига бадал ва мукофот пулларини тўлаш ҳисоб-китобининг тартиби.
- XIII. Маълумотларни ошкор қилиш.
- XIV. Якуний ҳолат.

I. Умумий ҳолат.

1. Ушбу «Uzbekistan Airways» Акциядорлик Жамиятининг ички назорат Йўриқномаси (келгусида – Йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси “Акциядор жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги (келгусида –Қонун), бошқа қонунчилик-норматив баённомалари, корпоратив бошқариш Кодексининг тавсиялари (31.12.2015й. кунги 9-сонли баённома), «Uzbekistan Airways» Ациядорлик жамияти (келгусида Жамият) ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

2. Мазкур Йўриқнома Жамиятнинг ички назорат тизимини мақсади ва вазифаларини, ишлаш тамойили, таркибий қисмини, шунингдек ички назорат учун маъсул шахсларни ва Жамият органини белгилайди.

3. Ушбу Йўриқнома Жамиятда ички назорат ва хатарларни бошқариш, барча акционерларни ҳуқуқларини ва манфаатларини, шу жумладан монитиритар ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқарилган.

4. Мазкур Йўриқнома Жамият ходимлари ва мансабдор шахслари, бошқариш органларининг аъзолари учун риоя этилиши шарт.

II. Ички назорат тизимининг асослари.

5. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги асосларда қурилган:

6. Узликсиз равишда ишлаш – ички назорат тизимининг доимий ва лозим даражада ишлаши, Жамиятни қоидалардан ҳар қандай оғиб кетиш аниқлашга ва уларни келажакда пайдо бўлишини хабардор этади;

7. Ички назорат тизимини барча иштирокчиларини ҳисоботи - ҳар бир шахсни бажарилган ишнинг сифатини назорати, ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат этилади;

8. Вазифаларни тақсимланиши – Жамият назорат вазифаларини қайтарилишига йўл қўймасликка интилади, ва бу вазифалар шундай тақсимланиши керакки, бир шахснинг ўзи белгиланган активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисоблаш, активларни сақланишини таъминлаш ва уларни қайта рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни бирлаштирмаслигини лозим;

9. Операцияларни лозим даражада маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият ваколатли шахсларнинг тегишли ваколоти доирасида уларнинг молиявий-ҳўжалик операцияларини тасдиқлашни белгилаш учун интилади;

10. Жамиятни ҳар куни ички назоратни амалга оширувчи қисмларини ташкилий ажратиш, ва унинг аудит бўйича Қумита орқали Кузатув кенгашига бевосита функционал жавобгарлиги;

11. Жамиятда ишловчи ички назоратни барча субъектларининг назорат вазифаларини лозим даражада бажарилишини маъсулияти;

12. Жамиятнинг барча бўлинмалари ва хизматларини ички назоратни аниқ ўзаро алоқалари асосида амалга ошириш;

13. Мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш – Жамият ички назорат тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш, янги масалаларни ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда, мослашиши мумкин бўлган эгилувчан тизимни созлаш шартларни таъминлашга интилади;

14. Оғиб кетиш ҳақидаги хабарни ўз вақтида етказиш – Жамиятда оғиб кетишни бартараф этиш ҳақидаги қарор қабул қилувчи таалуқли шахсларга хабарларни етказиш учун энг қисқа муддат белгиланган;

15. Ички назорат тизими ва назорат объектларини мураккаблиги орасидаги мослиги;

16. Жамият фаолиятини соҳасининг назоратни созланадиган – ички назорат тизими камраб олган, ҳаттоки уларни ишлаш самарадорлиги (“ҳаражатлар-иқтисодий самара” нисбати)ни ўлчаш қийин бўлсада, энг муҳим стратегик йўналишлар ажралиб чиқади;

17. Ички назоратни турли хилдаги объектларига ички назорат комплекс равишдаги табиати.

III. Ички назорат тизимининг таркибий қисми.

18. Ички назорат тизими ўз ичига қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни олган:

19. Назорат муҳити ўзининг ичига Жамиятнинг ходимлар малакаси ва этник кимматини, раҳбарлар сиёсати, раҳбарлар томонидан ваколати ва жавобгарлигини тақсимлаш усуллари, ташкилот тузилмаси ва ходимларни малакасини ошириш, шунингдек Кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқаришни олган;

20. Хатарларни баҳолаш – бу ҳар хил даражадаги ва ички изчилликда бир-бири билан бўлган муаяян вазифаларни бажаришда тегишли хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

21. Раҳбарият кўрсатмалари, сиёсат ва расмий маросимларни бирлаштирувчи ва текшириш ўтказиш, амалдаги фаолиятни назорати, активлар хатарсизлигини кафолати ва ваколатларни тақсимлашга розилик ва рухсат бериш каби турли хилдаги ҳаракатларни ўз ичига олган фаолият бажарилашини кафолатлашга ёрдам беради

22. Маълумот билан таъминлаш ва алмашиш фаолияти, кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали аниқлашга, уларни рўйхатга олишга ва уларни алмаштиришга йўналтирилган, Жамиятда ички назорат сиёсати ва расмий маросимларини тушуниш, ички назоратни барча субъектларда шакллантириш ва уларни бажарилишини таъминлаш мақсадида, шу жумладан маълумот алмашишнинг самарали каналларини ташкил қилишни ўз ичига олган

23. Мониторинг – вақт ўтиши билан тизим ишининг сифатини баҳоловчи назорат ва бошқарув амалларини ўз ичига олган жараён. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботни аниқлигига таъсир кўрсатувчи хатоларни пайдо бўлишини белгилаш ва қўйилган вазикаларни бажариш ички назорат тизимини қобилиятини белгилаш учун ўтказилади.

IV. Хатарларни баҳолаш.

24. Жамият фаолиятида ўзига хос аниқ хатарларни баҳолаш, назорати ва бошқариш, Жамиятнинг ички ҳужжатларидаги белгиланган бажариладиган иш тартибига мувофиқ Жамиятнинг бошқарув органлари ва тизимли бўлинмалари томонидан амалга оширилади .

25. Жамият бошқарув органи, назорат органи ва тизимли бўлинмалари орасидаги хатарларни тезкор ва стратегик бошқаруви учун маълумотларни самарали алмашишни қўллайди.

26. Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсиясига кўра, Кузатув кенгаши аудит бўйича қуйидагиларни амалга оширувчи Қумита ташкил этиши мумкин:

- ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини самаралилиги ва ишончлилиги, шу жумладан Жамият ички назорат ва ва хатарларни бошқариш процедураларини самарадорлигини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш;

- Ички назорат ва хатарларни бошқариш соҳасидаги таҳлил ва бажариш сиёсатини баҳолаш.

V. Ички назорат тизимида бажариладиган иш тартиби .

27. Ички назоратда бажариладиган иш тартиби – бу ички назорат учун маъсул бўлган, Жамиятнинг махсус тизимли бўлинмаси, бошқарув органи, ички назорат органи, шунингдек, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан амалга ошириладиган тадбирларни ва Жамият молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатлари, қонунчиликни бузилишини аниқлашга қаратилган, Жамият томонидан қўйилган мақсадларни бажарилишини баҳолаш, шунингдек ички назорат жараёнини татбиқ этиш жараёнида ички назорат субъектларини ўзаро ҳаракатининг мажмуидир.

28. Ички назоратда бажариладиган иш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг барча бошқарув даражасида амалга оширилади, ва қуйидагиларни кўзда тутади:

- Жамият бошқарувчининг турли даражаларида ўзаро боғланган ва зид бўлмаган мақсад ва вазифаларни белгилан;

- ваколат ва маъсулиятни чегаралаш;

- Жамият мақсадларини амалга оширишга ҳалақит берадиган потенциал хатарларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

- Жамият тизимли бўлинмаларини самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

- Жамият бошқарув органи ва назорат органини самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

- самарали ахборот алмашишни ташкил этиш, шу жумладан Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги операциялар, молиявий ва бошқа маълумотлар мазмунга эга бўлган ҳисоботлар ва хабарларни шакллантириш;

- Жамиятнинг учинчи шахслар билан самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

- ички назорат соҳасини Жамият ходимларининг мажбуриятларига киритишни етказиш;

- Жамият тизимли бўлинмаларининг ишини самардорлигини баҳолаш ва мезонларини белгилаш;

- ходисалар, операциялар ва тарнзакцияларни ҳисобга олишнинг етарли усулларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг активи ва мулкларини сақланишини текшириш;

- фақат етарли ваколатга эга бўлган шахслар томонидан операцияларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;

- Жамият ходимлари орасида муҳим вазифаларни тақсимлаш (шу жумладан операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, бериш, сақлаш ва ресурсларни қаблу қилиш, операцияларни текшириш ва таҳлил қилиш);

- ички назорат жараёнини керакли тарзда ҳужжатлаштириш;

- ички назорат жараёнини самарадорлигини доимо баҳолаш.

29. Ички назорат жараёни қуйдагилар бўлиши мумкин:

- огоҳлантирувчи – номаъқул ҳодисларани бўлишига йўл қўймаслик;
- аниқловчи (топилиши) – содир бўлган номаъқул ҳодисаларни аниқлаш учун;
- директивли – кўнгилдаги ҳодисани содир бўлишига ёрдам кўрсатувчи;
- тўғриловчи – номаъқул ҳодиса содир бўлганида оқибатларини таъсири йўқотиш;
- бадал тўловчи – мавжуд назорат воситаларини заиф томонларини тўлдирувчи.

30. Жамиятда ички назорат жараёнлари ўз ичига қуйдагиларни олади, шу жумладан:

- келишмоқ – тегишли ваколатга эга бўлган, бошқарувнинг турли қисмлари ва даражаларидаги ходимлар томонидан ҳужжатларни маъқуллаш;

- авторлаштирилган – ходимлар томонидан операцияларни амалга ошириш учун рухсат олиш;

- таққослаш – турли манбалардан олинган маълумотларни тўлиқлиги, аниқлиги, зид бўлмаганлиги ва хушмуомилалигини, шу жумладан бухгалтерлик ҳисоботи моддалари, ҳисобот тизими, Жамиятнинг ҳисобот кўрсаткичлари ва унинг котрагентларини текшириш;

- арифметик назорат – ҳисоб-китобларни арифметик тўғрилигини, шу жумладан молиявий, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларда назорат суммасини ҳисоблаш;

- оғиш таҳлили – рақибларни фаолиятини натижалари, олдинги давр кўрсаткичлари, прогнози, ҳамда режаларни бажарилишини режа кўрсаткичлари билан солиштириш асосида белгиланган режалар ва бажарилган режаларнинг натижасининг даражасини баҳолаш;

- активларни сақлашни жисмоний назорати – активларга, биноларга, ҳужжатларга жисмоний киришни чегаралаш, активларни сақлаш жойларини тегишли жиҳозлаш, материал жавобгарлик ҳақида шартномалар тузиш;

- инвентаризация – Жамият активларини сақланиши ва бухгалтерия ҳисоботини ишончлилигини таъминлаш мақсадида, ҳақиқатдаги мавжуд бўлган активларни сифат тавсифи ва аниқланиши;

- ахборот технологиялари (компьютер назорати) умумий ва махсуслаштирилган бошқариш тартиби – кириш, кўрсаткичларни яхлитлиги, ахборот тизимига ўзгаришларни киритилиши ва бошқалар. назорати.

31. Аниқ назорат бажариладиган иш тартибини мазмуни бошқариш ва функционал йўналиш даражасига боғлиқ бўлиб, Жамиятнинг мақсадига ва тизимли бўлинмаларнинг вазифасига мувофиқ, тизимли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқарилади ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан ишлаб чиқилади..

32. Ички назоратни бажариладиган иш тартибини такомиллаштириш ва мониторинги, бажарилиши, ҳужжатлаштириш, тадбиқ қилиш, ишлаб чиқариш вазифалари Жамият тизимли бўлинмаларининг йўриқномаларида ва Жамият ходимларини йўриқномаларида мустаҳкамланади.

VI. Жамиятнинг ички назорат тизимини ишлаб туришини ташкил этиш.

33. Ички назорат вазифаларини ҳал этиш Кузатув кенгаши, аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитасининг, Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, корпоратив маслаҳачи (мавжуд бўлса), Ижро органи, шунингдек Жамиятнинг барча ходимлари ва мансабдор шахсларининг (келгусида ички назорат субъектлари) бирликдаги зўр беришиши ва самарали ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.

34. Ички назорат тизими функционал равишда ушбу йўналишлар бўйича бўлинади:

- **назорат қилиш**, Жамият амалдаги фаолиятини амалдаги Қонунчилик, норматив баённомалар, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатларининг талабларига мувофиқлигини кузатиш асосий вазифаларига киради;

- **ички аудит**, Жамият тизимли бўлинмалари, унинг филиалларини фаолиятини ва улар томонидан хўжалик операцияларини ўтказилишини назорат қилишни амалга ошириш, асосий вазифаларидан ҳисобланади;

- **хатарларни бошқариш**, Жамият фаолиятига ҳамроҳ бўлган хатар (потенциал ва реал)ларни аниқлаш, уларни таҳлили ва реал хатарларни оқибатларини бартараф этиш, келиб чиқишини олдини олиш учун тавсияларни ишлаб чиқариш, шунингдек Жамият фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш асосий вазифаларидан биридир.

35. Жамиятда қуйидаги ички назорат органлари фаолият кўрсатади:

- Тафтиш комиссияси;

- ички аудит Хизмати;

- Корпоратив маслаҳачи (мавжуд бўлса).

36. Корпоратив бошқариш Кодексининг тавсиясига мувофиқ доимий ички назоратни амалга ошириш Жамиятнинг бўлинмалари билан ҳамкорликда ва ички аудит Хизматига юкланади.

37. Жамиятда ички аудит Хизмати мавжуд бўлмаган тақдирда жорий ички назоратни амалга ошириш Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига юклатилади.

38. Жамиятда Жамият фаолиятини ички назоратини амалга оширувчи, алоҳида махсус тизимли бўлинма (келгусида – ваколатли тизимли бўлинма) ташкил этилади.

VII. Ички назорат учун маъсул шахслар ва органлар.

39. Жамият фаолиятининг ички назорати Жамиятнинг Кузатув кенгаши, аудит бўйича Кузатув Қумитаси, Тафтиш комиссияси, ички аудит Хизмати (ёки Жамиятнинг ваколатли тизимли бўлинмаси), Корпоратив маслаҳатчи (мавжуд бўлса), Ижро органи, шунингдек, Жамиятнинг ходимлари ва маъсул шахслари томонидан барча босқичларда, ва бунда ҳар бири ички назоратни у ёки бошқасига маъсул бўлган шахслар амалга оширилади.

40. **Жамиятнинг Кузатув Кенгаши** ички назоратга асосан Жамиятнинг сиёсатини ички назорат тизимини ривожлантириш йўналишлари ва стратегиясини, ички назорат тизимини ташкил этиш йўллари ва бажариладиган иш тартибини, ҳамда хатарларни бошқаришни белгилайди.

Ички назорат тизимини ташкил этиш йўллари ва бажариладиган иш тартибини белгилашда Кузатув кенгаши ушбу тизимдаги қуйидаги масалаларга таянади:

1) Жамиятнинг мақсадларига эришишда мулоҳазали ишончни таъминлаш;

2) самарали молиявий-хўжалик фаолиятини таъминлаш ва ресурслардан тежамли фойдаланиш;

- 3) шундай хатарларни аниқлаш ва бошқариш;
- 4) Жамиятнинг активларини сақланишини таъминлаш;
- 5) бухгалтерия (молиявий), статистик, бошқарув ва бошқа ҳисоботларни тўлиқлигини ва ишончилигини таъминлаш;
- 6) қонунчилик амал қилиши назорати, шунингдек, Жамиятнинг ички сиёсати, реламенти ва бажариладиган иш тартиби.

Ички назортани амалга ошириш учун Кузатув Кенгашини ҳуқуқлари, вазифалари ва маъсулияти, акционерлар умумий мажлиси тасдиқлайдиган, **Жамият Кузатув кенгашининг Йўриқномаси**да белгиланади..

Кузатув Кенгаши:

- ички аудит Хизмати ҳақидаги Қоидаларни тасдиқлайди;
- Корпоратив маслаҳатчи ҳақидаги Қоидаларни тасдиқлайди;
- Ички назорат аниқ бажариладиган иш тартибини, Жамиятнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди;
- Жамиятнинг реал ва потенциал хатарларини аниқлаш, уларни олдини олиш ва хатарларни бошқариш бўйича Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлайди;
- Жамиятнинг тизимли бўлинмасини тузилмаси ва таркибини, ички назорат бажариладиган иш тартибини белгилайди, доимо ички назорат бажариладиган иш тартибини назорат қилади ва доимо такомиллаштиради;
- қонунчиликда кўзда тутилган ҳодисаларда, Жамиятнинг ҳамкор шахсларини ҳисобга олиш Тартиби ва ҳамкор шахслар билан битимларни такомиллаштиришга мувофиқ, ҳамкор шахслар билан битимларни амалга оширини маъқуллайди;
- қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда, Жамият томонидан йирик битимлар тузиш Тартибига мувофиқ, Жамият томонидан йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилади;
- Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг бошқа битимлари ва операцияларини маъқуллайди;
- Жамиятнинг Ижро органини ҳисоботларини ҳар кварталда эшитилади, шу жумладан, бажарилган иш тартибида ички назоратга Жамият томонидан риоя қилиниши
- ички назорат тизимида аниқланган хатоликларни бартараф қилинишини назорат қилади;
- ҳар йили Жамият акциядорларининг йиллик умумий мажлисида ички назорат тизимини самарадорлик ва ишончилигини баҳолаш, ҳамда ўтказилган таҳлилларни натижаси ҳақида, ички назорат учун жавобгар Жамиятнинг Ижро органи, ички аудит хизмати, Тафтиш комиссияси раҳбарларининг доимий ҳисоботлари, Жамиятнинг ташқи аудиторини ҳисоботи ва бошқа манбалардан маълумотлар ҳамда ички назоратнинг барча аспектлари бўйича ўз кузатишларидан, шу жумладан молиявий назорат, операцион назорат, қонунчиликка риоя этилишини назорати, ички сиёсат ва бажарилган иш тартибини назоратига асосланган ҳолда, Жамият акциядорларига маълумот беради;

Акциядорларни йиллик умумий мажлисидаги Кузатув кенгашининг ҳисоботи Жамият ички назорат тизимини ҳолати ҳақидаги маълумотдан иборат бўлиши керак.

Ички назоратни самарадорлик механизмини тадбиқ этиш мақсадида **корпоратив бошқариш Кодексининг тавсиясига** мувофиқ:

- Кузатов кенгаши ҳақидаги Йўриқномада унинг таркибига мустақил аъзоларни киритиш талаби акс эттирилган;

- Кузатов кенгашига қонунчилик ва акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан барча акционерларга бу ҳақидаги маълумотни ошкор қилиб, фақатгина белгиланган меъёрларда хайрия (спонсорлик) ёки беминнат ёрдам бериш ҳақида тартиб, бериш (олиш) шартлари ва қарор қабул қилиш ҳуқуқлари берилган;

- Кузатов кенгаши низом жамғармаида Жамиятнинг улушлари бўлган корхоналарнинг бошқарув органларида Жамият номидан унинг вакиллари овоз бериш тартибини белгилайди;

- Кузатов кенгаши доимо Жамиятнинг Ижро органидан бажарилган ишлар ҳақида ҳисоботларни ва Кузатов кенгаши низом жамғармаида Жамиятнинг улушлари бўлган корхоналарнинг фаолияти бўйича эришган кўрсаткичларини ҳисоботини топширишни талаб қилади.

41. Жамиятнинг молиявий ҳисоботини ишончлилиги ва тўлиқлиги, мустаҳкамлиги ва Жамият хатарини бошқариш тизимини ва ички назорат тизимини самарадорлигининг назорати бутунлай **аудит бўйича Кузатов Кенгашининг Қумитаси зиммасига** юклатилади.

Ички назоратни амалга ошириш Кузатов кенгашининг Қумитаси зиммасидаги ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик, Кузатов кенгаши томонидан тасдиқланган, **аудит бўйича Қумита ҳақидаги Йўриқномасида** белгиланади

аудит бўйича Кузатов Кенгашининг Қумитаси ички назоратни амалга ошириш учун қуйидагиларни бажаради:

- Жамиятнинг бажариладиган иш тартибини ички назоратини доимо кўриб чиқади, таҳлил қилади ва Жамиятнинг молиявий ҳисобот қисмига Жамият самарали бажарилган иш тартибини ички назоратини баҳолайди;

- ташқи аудитни ўтказилишини, ҳамда бажарилган аудиторлик текширишлари сифати ва Жамиятнинг ташқи аудиторини хулосаларини баҳолаш бўйича назорат қилади;

- Жамиятнинг ташқи аудитори ва ички аудит хизмати ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни самарадорлигини таъминлайди;

- яхлитлигича ички назорат тизимини ва хатарларни бошқариш тизимини назоратини амалга оширади;

- Жамиятнинг Кузатов кенгашини ўз вақтида ички назорат тизимида аниқланган аҳамиятли хатоликлар, ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларнинг режалари ва натижалари ҳақида огоҳлантиради.

- ички назоратни такомиллаштириш бўйича тавсиномаларни ишлаб чиқади.

Аудит бўйича Кузатов кенгашининг хатарларни бошқариш жараёни доирасида:

- хатарларни бошқариш жараёнини умумий мослаштириш;

- хатарларни бошқариш жараёнини таъминлаш соҳасидаги услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Жамиятнинг хатарлар портфелини таҳлили ва тегишли хатарларни бошқаришга нисбатан ресурсларни қайта тақсимлаш ва муносабат билдириш стратегияси бўйича таклифларни ишлаб чиқариш.

42. **Корпоратив бошқарув тавсияларига мувофиқ** ички бажарилган иш тартибини ҳолисона баҳолашни амалга ошириш мақсадида аудит бўйича Кузатов кенгаши Қумитасининг таркибига Кузатов кенгаши аъзолари қўшиладилар.

43. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва унинг ажратилган бўлинмалари устидан **келгуси даврий** назоратни амалга ошириш ички назоратни доимий ҳаракатдаги органи - Тафтиш комиссияси зиммасига юклатилади.

Жамият томонидан бажарилган ишлар тартибининг ички назоратига амал қилиш акциядорларнинг умумий мажлисида белгиланадиган Тафтиш комиссияси ҳақидаги Йўриқномада белгиланади.

Бажарилган иш тартибини ички назоратига Жамият рия этиши бўйича назорат қилишнинг қуйидаги функцияларини Тафтиш комиссияси бажаради:

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти асосий йўналишлари бўйича даврий (йиллик) текширишлар ва бажарилган иш тартибини ички назоратини ўтказди;

- Жамият молиявий-хўжалик фаолиятини асосий йўналишлари бўйича текшириш натижаларини, шу жумладан бажарилган иш тартибини ички назоратга рия қилинишини таҳлил қилади ва бирлаштиради;

- Аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитаси ва Ижро органининг раҳбарлари бажарилган иш тартибини ички назорати бўйича аниқланган камчиликларни, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ва бундай камчиликларни бартараф этилгани ва бартараф этилмаганлигини натижаси ҳақида маълумот беради;

- Аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитаси бажарилган иш тартибини ички назоратини такомиллаштириш бўйича таклифларини киритади;

- ҳар кварталда Кузатув кенгашининг мажлисларига ҳамкор шахслар билан мавжуд битимлари бўйича хулосалари ёки Жамиятнинг ҳисобот давридаги йирик битимлари, қонунчилик талабларига ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига, шунингдек, бундай битимларни бажариш учун, Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва қонунчилик талабларига, шу жумладан бажарилган иш тартибини ички назорати Жамият томонидан рия этилиши ҳақида хулоса тақдим этади.

44. Жамиятнинг амалга оширилган молиявий-хўжалик операциялари ва унинг ажратилган бўлинмалари устидан **келгуси даврий** назоратни амалга ошириш учун ички назоратни доимий ҳаракатдаги органи - Тафтиш комиссияси зиммасига юклатилади.

Жамиятнинг амалга оширилган молиявий-хўжалик операциялари ва унинг ажратилган бўлинмалари устидан **келгуси даврий** назорати, шунингдек бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тўлиқлиги ва ишонччилик маъсулияти, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг Низомига мувофиқ ички аудит Хизматига юклатилади.

Ички аудит Хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулияти Жамият бажарилган ишлар тартибини ички назоратига рия қилишда Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган, ички аудит Хизмати ҳақидаги йўриқномада белгиланади.

Жамиятнинг ички аудит Хизмати Жамият томонидан бажарилган иш тартибини ички назоратига рия қилиш бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ички назорат тизими бажариладиган иш тартибини тадбиқ этади;

- ички назорат тизими бажариладиган иш тартибини бажарилишини назорат қилади;

- ички назорат тизими бажариладиган иш тартибини самарадорлигини, тўлиқлигини ва мослигини баҳолашни амалга оширади;

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини асосий йўналишлари бўйича **доимий жорий текшириш**лар ташкил қилади ва ўтказди;

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини асосий йўналишлари бўйича текшириш натижаларини, шу жумладан бажарилган иш тартибини ички назоратига риоя этилишини таҳлил этади ва бирлаштиради;

- ички назорат тадбирлари ўтказилганда Жамит тизимли бўлинмаларини ишини мувофиқлаштиради;

- аниқланган бажарилган иш тартибини ички назоратини бузилиши, шу жумладан Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини бажармасликлик(самарасиз бажариш)ни ҳисобини олиб боради;

- аудит бўйича Қумита ва Ижро органининг раҳбарини аниқланган бажарилган иш тартибини ички назоратини бажарилишда йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳақидаги таклифларнинг натижаси ва ёки шунга ўхшаш хатоларни бартараф эта олмаслик ҳақида маълумот беради;

- Тафтиш комиссиясининг текшириш натижаларини таҳлил этади, Тафтиш комиссиясининг текширишлари давомида аниқланган хатоларни бартараф этиш учун тадбирлар ишлаб чиқариш ва бажарилишини назорат қилади;

- аудиторлик текшириш натижаларини таҳлил этади, аудитор текширишлари давомида аниқланган хатоларни бартараф этиш учун тадбирлар ишлаб чиқариш ва бажарилишини назорат қилади;

- бажарилган иш тартиби ички назорати бўйича таклифларни тайёрлайди.

Ички аудит Хизмати хатарларни бошқариш жараёни доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- хатарларни бошқариш жараёни соҳасида услубий ҳужжатларни ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- бажарилган иш тартиби ички назорати ва хатарларни бошқариш жараёни соҳасида Жамият ишчиларини ўқитишни ташкил қилади;

- хатарлар бўйича тақослаш ҳисоботини шакллантиради;

- Жамиятнинг бўлинмалари томонидан хатарларни бошқариш жараёнини ва белгиланган тартибда Жамият назорати остидаги корхоналарини тезкор назорати;

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижро органига, хатарларни бошқариш жараёнини самарадорлиги, ҳамда хатарларни бошқариш соҳасидаги сиёсатда кўзда тутилган бошқа масалалар бўйича тайёргарлик ва маълумот бериш.

Бажарилган иш тартибининг ички назоратига риоя қилишга назорат ўтказишда бошқа назорат органлари, бошқарув органлари, тизимли бўлинмалари ва Жамиятнинг мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорликда, ўзининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотни ва ҳужжатларни белгиланган тартибда олади.

Корпоратив бошқаруви Кодексининг тавсиясига мувофиқ Жамиятнинг ички аудит Хизмати, 50% дан ортиқроқ низом капитали Жамиятга тегишли бўлган, жисмоний шахслар билан ўтказилган операциялар устидан ички назоратини амалга ошириш ваколати берилади.

45. Жамиятда корпоратив қонунчиликка риоя қилиш устидан назоратни амалга ошириш, Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчиси зиммасига юклатилади.

Корпоратив маслаҳатчининг ички назорат бўйича вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулияти, Жамиятнинг Кузатув кенгашида тасдиқланган **Корпоратив маслаҳатчиси ҳақидаги Йўриқномада** белгиланади.

Корпоратив маслаҳачиси (мавжуд бўлса)

- Жамиятнинг акциядорларини манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларига риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

- Жамият бошқарув органи томонидан корпоратив бажариладиган иш тартибига риоя қилишни назорат қилади ва Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчилик, Жамиятнинг Низоми ва Кузатув кенгашининг мажлисларини ўтказиш, Жамият ҳақида маълумот ошқора қилиш (бериш) ҳақидаги, бажариладиган иш тартиби масалаларига оид бошқа ички ҳужжатлари талаблари ҳақида тушунтиришлар беради;

- қонунчилик талаблари, Жамиятнинг Низоми ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ, акциядорларни умумий мажлисига тайёргарлик ва ўтказиш устидан назоратни амалга оширади;

- қонунчилик талаблари, Жамиятнинг Низоми, Кузатув кенгаши ҳақидаги Йўриқнома ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ, Кузатув кенгашининг мажлисига тайёргарлик ва ўтказиш устидан назоратни амалга оширади;

- маълумотни ошқор қилишда қонунчиликка риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

- корпоратив бошқариш Кодексининг тавсияларига риоя қилиш назоратини амалга оширади;

- корпоратив қонунчилик, шунингдек Низом ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилишда йўл қўйилган аниқланган барча хатоликлар бўйича дарҳол Кузатув кенгашини хабардор қилади.

46. Жамият ички назорат тизимини ишлаб туриши учун ташкил қилиш ва зарурий шароитларни сақлаб туриш маъсулияти тасдиқланган Кузатув кенгаши сиёсатига мувофиқ ***Ижро органининг раҳбари*** зиммасига юклатилади.

Бажарилган иш тартибини ички назоратини амалга ошириш учун Ижро органининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулияти акциядорлар Умумий мажлисида тасдиқланган ***Жамиятнинг Ижро органи ҳақидаги Йўриқномасида*** белгиланади.

Ижро органининг раҳбари:

- ички назорат тизимини ташкил этиш соҳасида Кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини таъминлайди;

- хатарларни бошқариш ва ички назоратнинг аниқ бажариладиган иш тартиби бўйича, Жамиятнинг тизимли бўлинмалари раҳбарлари орасида ваколати, мажбурияти ва маъсулитини тақсимлайди

- ички назоратнинг иш тартиби тадбиқ қилишни ташкилий таъминлайди;

- Жамиятнинг тизимли бўлинмаларида текшириш режаларини тасдиқлайди;

- хизмат текширувини ўтказиш ҳақидаги буйруқларни қабул қилади;

- текширув ва хизмат текширувлари натижаларини кўриб чиқади ва таҳлил этади;

- ички назорат иш тартибини амалга ошириш вақтида аниқланган хатоларни бартараф этилишини таъминлайди;

- ички назорат иш тартибини такомиллаштириш бўйича Кузатув кенгашига таклифлар киритади.

Жамиятнинг ижро органи куйдаги жорий назоратни таъминлаши керак:

- Жамиятнинг тизимли бўлинмалари раҳбарларининг ҳаракатлари устидан;

- фаолиятни амалга ошириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилиш учун ва келгусида уларга йўл қўймаслик учун ўз вақтида чора кўриш.

47. Ижро органи раҳбарларининг ўринбослари ва тузилманинг бўлинма раҳбарлари(мансабдор шахслар) ва Жамиятнинг ҳар қандай даражадаги ходимлари уларга ишониб топширилган фаолият соҳасидаги ички назорат иш тартибини тадбиқ этишга ўзининг функционал вазифаларига мувофиқ жавобгардирлар.

Тузилма бўлинмалари раҳбарлари ва Жамият ходимлари ўз ваколатлари доирасида:

- ички назоратни амалга ошириш учун стратегияни мукамал ишлаб чиқишда бевосита иштирок этадилар;

- ички назорат иш тартибини ишлаб чиқиш, ҳужжатлашўтриш, юритиш, ривожлантириш ва мониторингини амалга оширади;

- ички назорат иш тартибини бажарилишини амалга оширади;

Жамият мансабдор шахслари ва ходимларини мажбурияларига, ўз ваколати доирасида, стандартга мос келмайдиган ҳолатларни ҳал этиш ва пайдо бўлган муаммоларни чорасини топиш. Муҳим масалалар ёки аниқ бир битим бўйича ёки бажарилган иш тартибида хатарлар пайдо бўлса, ходимлар Жамиятнинг юқори раҳбариятига хабар берадилар.

Жамият тузилма бўлималарининг раҳбарлари ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришда ўз раҳбарлигидаги тизимли бўлина ходимларининг ҳаракатлари устидан жорий назоратни амалга оширилишни таъминлаши керак.

Жамият барча даражада ва барча функцияларида ходимлар ўзининг хизмат вазифаларини бажаришда ўз ҳаракатларини мустақил равишда назорат қилиб, ўзларининг хизмат вазифалари ва ички тартиб-қоидаларида кўзда тутилган ички назорат тартиб қоидаларига риоя қилишлари керак.

Жамиятнинг ҳуқуқий бўлими, тузилма бўлинмаларини фаолиятини, ҳуқуқий қўллаш йўли билан, амалдаги қонунчиликда Жамиятнинг амалий фаолиятини мувофиқлиги бўйича жорий назоратни таъминлаши керак.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тузилма бўлинмаларининг раҳбари тармоқ манбалари ва илова маълумотлар базаларига, шунингдек маълумот ва вирус хатарсизлигига кириш ҳуқуқига риоя қилишни таъминлаши керак.

Хатарларни бошқариш тизими доирасида Жамиятнинг Ижро органи коррупцияга. Жамиятни, обрў эътиборни тушириш хатари ва мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олгани учун жавобгарлик чоралари кўрилиш хатарига йўл қўймасликка йўналтирилган комплексни олдиндан назарда тутиши керак.

Ички назорат тизими доирасида ва хатарларни бошқаришда Ижро органи Жамиятнинг ҳар қандай ходими ижро органи ёки бошқарув органининг ҳар қандай аъзоси томонидан қонунчиликни, ички иш тартиби, этник тартиб ва қоидаларни бузаётганлигини хатарсиз, махфий ва ҳаммабоп усул (қайноқ тармоқ) да Кузатув кенгаши, аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитаси, ички аудит хизматида хабар беришини ташкил этиши керак.

Тегишли маълумотни етказган шахс, ҳар қандай босим (шу жумладан ишдан бўшатиш, таъқиб қилиш, камситиш, таҳқирлаш)ни шаклларида ҳимоя қилиниши лозим.

Қайноқ тармоқ бўйича шунингдек ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам келиб тушиши мумкин.

Корпоратив бошқариш Кодексининг тавсияномасига мувофиқ:

- Жамиятнинг Ижро органи акционерларни Умумий мажлисига, Ижро органи йирик битимлар ва ҳамкорлар билан келишувларни мустақил тузиш учун, Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган битим бўйича масалаларни кўриб чиқиш учун киритади;

- Ижро органи акциядорларни Умумий мажлисининг қарорига кўра, мустақил профессионал ташкилотлар-маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, Жамиятни ривожланиш мақсади лойиҳаларини ва йиллик бизнес-жараёнларни мувофиқлик таҳлилини ташкил этади.

VIII. Жамият ички назорат органлари аъзоларини таркиби ва малакасига талаблар.

48. Жамият ички назорат органлари аъзоларини таркиби ва малакасига талаблар, Жамиятнинг ички назорат органини фаолиятини тартибга солувчи ва Жамиятнинг акциядорларни Умумий мажлиси ёки Кузатув кенгаши тасдиқлаган тегишли ички ҳужжатлари билан белгиланади.

49. Жамият ички назорат органлари аъзоларига талаблар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган, аудит бўйича Қумита ҳақидаги Йўриқномада белгиланади.

Аудит бўйича Кузатув кенгаши таркибига, Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақидаги Йўриқнома талабларига мувофиқ, Кузатув кенгаши таркибига кирувчи Кузатув кенгаши аъзолари, мажбурий тартибда киритилиши керак.

Аудит бўйича Қумита таркибидаги бир кишидан кам бўлмаган мустақил аъзолари бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини таёрлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш соҳаси бўйича билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

50. Ички назорат органларининг аъзолари таркибига кирувчи шахсларга қўшимча талаблар аудит бўйича Кузатув кенгашини Қумитаси томонидан белгилданиши мумкин.

51. Жамият ички назорат тизимининг лозим даражада ишлаб туриши, шунингдек, Жамият мансабдор шахслари ва ходимларининг ўз касбининг устаси эканлигига ҳам боғлиқдир.

Жамият ходимларни танлаш, ишга қабул қилиш, ўқитиш, хоимларни тайёрлаш ва хизмати бўйича мартабасини ошириш тизимини уларни юқори малакаси ва этник стандартларига риоя қилишни таъминлайди.

IX. Жамият ички назорат органини акциядорларнинг умумий мажлиси, Кузатув кенгаши, мониторинг акциядорлар қумитаси ва Жамият акциядорлари билан ўзаро ҳамкорлик тартиби

52. Жамиятнинг ички назорат тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва бутун ички назорат иш тартибига риоя қилинишига риоя этиш мақсадида, ички назорат органи ички назоратни амалга ошириш жараёнида Жамиятнинг бошқариш органи, Жамият акциядорлари, ҳамда Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари билан ҳамкорликда ишлайдилар.

53. Жамият ички назорат органи бошқариш органи – акциядорларни Умумий мажлиси ва Кузатув кенгаши билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади:

а) ички назорат органи томонидан Жамият бошқариш органига аниқланган камчиликларни кўриб чиқиш учун тақдим этади;

а) Кузатув кенгаши ва акциядорларни Умумий мажлисида ички назорат органларининг ҳисоботларини доимо эшитиш йўллари билан;

б) Жамият фаолиятининг молиявий-хўжалик фаолиятини акциядорларни Умумий мажлисини қарори, кузатув кенгашининг талаби, Жамиятнинг 5 (беш) фоиздан кам бўлмаган овозли акция эгаси, акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабномаси билан, Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш ўтказиш йўллари билан;

в) акциядорларнинг мурожаатномаси (аризаси, таклифлари ва шикоятлари)ни кўриб чиққанида;

г) Жамият ички назорат органи томонидан акциядорларни сайёр ва шахсан қабул қилингани.

Ички назорат органининг акциядорлар Умумий мажлиси билан ҳамкорлиги.

54. Ички назорат органлари Жамият акциядорларини Умумий мажлисида ҳисобот топширадилар.

55. Жамият акциядорларини йиллик Умумий мажлисида, унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Жамият томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширганда қонунчилик талабларига риоя қилиниши ҳақида аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитасининг, шу жумладан ички назорат тизимини ва Жамиятнинг барча хатарларини бошқариш тизимини ҳолати ҳақидаги маълумоти киритилади.

56. Кузатув кенгашининг акционерларнинг йиллик умумий мажлисидаги ҳисоботиша шунингдек, Кузатув кенгашига ҳисобот топширувчи ***Жамиятнинг ички аудит Хизмати ва Корпоратив маслаҳатчи (мавжуд бўлса)*** маълумоти кўшилади.

Ички аудит Хизмати Жамият, унинг филиаллари ва вакилликлари томонидан хўжалик операцияларини бажаришда белгиланган талаблар ва тартибларга риоя этилиши, шунингдек Ижро органлари томонидан Жамиятни бошқариш қонунчилик талабларида белгиланган ҳақидаги, шу жумладан ички назорат иш тартибини Жамият томонидан риоя этилиши ҳақидаги маълумотлар бўлади;

Корпоратив маслаҳатининг ҳисботи Жамият томонидан корпоратив қонунчиликка риоя этилиши, Жамият томонидан белгиланган корпоратив иш тартибига риоя этилиши, акциядорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳақидаги маълумотлардан иборатдир.

57. ***Тафқтиш комиссияси*** йиллик Умумий мажлисда Жамиятнинг ҳисобот йилидаги молиявий-хўжалик текшириш натижаси, шу жумладан Жамият томонидан ички назорат иш тартибига риоя этилиши бўйича ҳисобот топширади.

Тафтиш комиссиясининг текширишнинг йиллик натижалари акциядорларнинг Умумий йиллик мажлисига тақдим этилиб унда қуйидаги тафситолар мавжуд бўлиши керак:

- жамиятнинг ҳисоботида ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги кўрсаткичларни ишончлилигини баҳоланиши;

- бухгалтерия ҳисоботини юритишдаги ва молиявий ҳисоботлари тақдим этишдаги, ички назорат иш тартиби, ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши бўйича мавжуд камчиликлар.

Акциядорларнинг йиллик Умумий мажлисига Жамиятнинг Тафтиш комиссиясининг ҳисобот йилидаги ҳамкор шахслар билан ёки йирик битимларни борлиги, бундай битимларни амалга ошириш учун, қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ҳақидаги хулосаси киритилади.

58. Тафтиш комиссияси, пайдо бўлган муаммоли масалалар бўйича акциядорларга маълум қилиш учун навбатдан ташқари Умумий мажлисни ўтказилни бошлаши мумкин.

Ички назорат органи билан Кузатув кенгашининг ўзаро ҳамкорлиги .

59. Ички назорат органлари Жамият Кузатув кенгаши билан ўзаро ишлайдилар ва Кузатув кенгашига вақти-вақти билан ҳисобот топиширишга, шунингдек, Жамиятнинг молиявий фаолиятини ёмонлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва фаолиятдаги юз бериши мумкин бўлган хатарлар ҳақида ўз вақтида маълумот беришга мажбурдир.

60. *Аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитаси ҳар доим* Кузатув кенгашининг режасига мувофиқ, унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ва ички назорат тизими ва хатарларни бошқариш тизими ҳолати ҳақида Кузатув кенгашига маълумот киритади.

61. *Ички аудит Хизмати* Кузатув кенгашига ҳисобдордир:

- Кузатув кенгашини ички аудитни ўтказиш натижалари ҳақида ишончли маълумот билан таъминлайди ва Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижро органига ички аудит жараёнида аниқланаётган камчиликларни баратараф этиш бўйича тавсиялар бериб, уларни бартараф этиш бўйича назоратни амалга оширади;

- ҳар кварталда Жамият, унинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан активларни сақланиши, хўжалик операцияларини амалга оширишда қонунчиликда белгиланган тартиб ва қоидаларига, шунингдек Ижро органи томонидан Жамиятни бошқариш талабларини ҳамда ички назорат тартибига риоя этилиши юзасидан ҳисобот топширади;

62. *Корпоратив маслаҳачи*, Кузатув кенгашига ҳисобдордир:

- Жамият томонидан корпоратив иш тартибига риоя қилишни назорат қилади – акциядорларни Умумий мажлисини ва Кузатув кенгашининг мажлисларини ўтказилиши;

- Жамият корпоратив тартибини таҳлилини амалга оширади ва Кузатув кенгашига Жамиятни корпоратив бошқариш амалиёти ва тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди.

- корпоратив қонунчилиги, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатларининг, ҳамда корпоратив тартибни бузилиши ҳақидаги барча аниқланган камчиликлар бўйича дарҳол Кузатув кенгашига маълумот беради;

- акциядорларнинг мурожаатини таҳлил ишларининг натижалари бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисларига акциядорлар билан ўзаро ишлаш самарадорлигини юксалтириш бўйича таклифларни киритади;

- ҳар кварталда Жамият томонидан корпоратив қонунчилик талабларига риоя қилиш ҳақида ҳисобот топширади.

63. *Тафтиш комиссияси* ҳар кварталда Кузатув кенгашининг мажлисларига ҳисобот йилидаги ҳамкор шахслар билан ёки йирик битимларни борлиги, бундай битимларни амалга ошириш учун, қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ҳақидаги хулосасини киритади.

Тафтиш комиссияси Кузатув кенгашига Жамиятнинг Тафтиш комиссияси, акционерларнинг Умумий мажлиси, Кузатув кенгашининг ёки Жамиятнинг 5 (беш) фоиздан кам бўлмаган овозли акция эгаси, акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилган навбатдан ташқари, Жамият фаолиятининг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш хулосасини тақдим қилади;

Тафтиш комиссияси олдиндан Жамиятнинг Кузатув кенгашини Жамиятнинг 5 (беш) фоиздан кам бўлмаган овозли акция эгаси, акциядорнинг (акциядорларнинг) навбатдан ташқари, Жамият фаолиятининг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ўтказиш ҳақидаги талаби тўғрисида огоҳлантиради.

64. аудит бўйича Кузатув кенгашининг Қумитаси, ички аудит хизмати ва Корпоратив маслаҳатчи ҳамда Тафтиш комиссияси Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

Ички назорат органини Жамият акциядорлари билан ўзаро ишлаши.

65. Жамиятнинг ички назорат органи, акциядорларни қонунчилик, норматив баённомалар, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатлари, шунингдек корпоратив бошқарув Кодекси тартиб тавсияномаларда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишни таъминлаш учун назорат қилади.

66. Жамия акциядорларининг йиллик Умумий мажлисини ўтказилишига тайёргарликда акционерларга тақдим қилинадиган маълумотлар (материаллар) қуйидагилардир:

- Жамиятни бошқариш бўйича Кузатув кенгашининг ҳисоботи, шу жумладан:
- Жамиятнинг ички назорат тизимини ҳолати ва умуман хатарларни бошқариш тизими ҳақидаги Кузатув кенгашининг маълумоти;
- Жамият, унинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан активларни сақланиши, хўжалик операцияларини амалга оширишда қонунчиликда белгиланган тартиб ва қоидаларига, шунингдек Ижро органи томонидан Жамиятни бошқариш талабларини ҳамда ички назорат тартибига риоя этилиши юзасидан маълумот;
- Корпоратив маслаҳатчи Жамият томонидан корпоратив қонунчиликка риоя этилиши юзасидан маълумот;
- Ижро органи раҳбарининг ҳисоботи ва Жамиятнинг ташкил қилувчи қисми Жамиятнинг ички назорат тартибига риоя қилиш ҳақидаги маълумотлари бўлган, йиллик ҳисоботи;
- Жамиятнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларни ишончлигини ва Жамият ички назорат тартибига риоя қилиш ҳақида Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси;
- Жамият ташқи аудиторининг Жамиятнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларни ишончлигини ва Жамият ички назорат тартибига риоя қилиш ҳақида.

67. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича назоратни амалга ошириш да акциядорларни фаоллаштириш ва йиллик Умумий мажлисига лозим даражада тайёргарлик кўриш мақсадида, акциядорларга аудит бўйича Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига, Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларига, ички аудит Хизмати, корпоратив маслаҳатчи ва Ижро органи раҳбарига савол бериш имкониятини яратиш керак.

Шунинг учун Жамият корпоратив веб-сайтида кўрсатилган шахсларининг маълумотларини ва алоқаларини кўрсатиши керак. Шунингдек, Жамият уларни акциядорларни йиллик Умумий мажлисида ҳозир бўлишини таъминлаши керак.

68. Акционерларга Жамиятнинг ташқи аудиторида у томонидан тақдим қилинган хулосалар бўйича савол бериш ва берилган саволларга жавоб олиш имконияти берилиши керак. Шунинг учун Жамият акциядорларни йиллик Умумий мажлиси ишида иштирок этиш учун ташқи аудитор вакилини таклиф қилиши лозим.

69. Жамият акциядорлари Жамият ташқи аудиторининг йил якуни бўйича ўтказадиган, ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосалари билан танишилари мумкин.

70. Корпоратив маслаҳатчи:

- акциядорларни қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга ошириш юзасидан назоратни бажаради;

- Жамият акциядорларга берилган талабномалар асосида маълумотларни ўз вақтида етказилиши устидан назоратни амалга оширади;

- акциядорлардан тушган мурожаатномалар устидан тегишли равишда ҳисобот юритилишини таъминлайди, Жамият бошқариш ва назорат тегишли органларига мурожаатномаларни юборади, шунингдек, бу мурожаатномаларни ўз вақтида кўриб чиқишлик устидан назоратни амалга оширади;

- Кузатув кенгаши раиси, Кузатув кенгаши раиси ва Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига акциядорларни мурожаатномаларини етказилишини таъминлайди.

71. Корпоратив маслаҳатчи ҳар кварталлик асосларда, акциядорларни ҳуқуқлари ва Жамият манфаатларини бузилишига йўл қўйувчи ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида, Жамиятни бошқарув ва назорат органларига акциядорларни мурожаатномаларини умумлаштириш ва таҳлил этишни амалга оширади.

72. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг ички назорат органи ва Ижро органидан ўз ваколати доирасида Жамиятнинг Кузатув кенгаши топшириғига асосан акционалрани мурожаатномаларига жавоб тайёрлаш учун Жамият ҳужжатларини талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эгадир.

73. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг камида ўн фоизидан кам бўлмаган акциясига эга бўлган акциядор, ҳамкор шахс билан тузилиши натижасида, жамият манфаатларига етказилган зарар ёки келажакда зарар келтириши мумкин бўлган битимни талабларини бузилиш белгиларини ўрганиш учун аудитор ташкилотини мустақил равишда далб қилиши мумкин.

74. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг камида беш фоизидан кам бўлмаган акциясига эга бўлган акциядор, Кузатув кенгашига акционарларни навбатдан ташқари мажлисини чақириш тўғрисида ёзма талабнома бериши мумкин.

75. Акционерларни мурожаатнома (ариза, таклифлар ва шикоят)лари, шу жумаладан мониторингари ва уларнинг Жамият ички назорат органи томонидан қабул қилиниши, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларни мурожаатлари ҳақидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

76. Унга қабул қилиш жадвали ва қабул қилиш вақти, жойи ва олдиндан қабулга ёзилиш, шунингдек қабул қилиш тартиби Жамиятнинг расмий веб-сайти орқали, шунингдек Жамиятнинг маъмурий биносида ҳамма тушунадиганидек эълон бериш орқали амалга оширилади.

Ички назорат органини мониторинг акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги.

77. Миноритар акциядорлар номидан мониторинг акционерлар Қумитаси Раиси ички назорат органига мурожаат қилиши мумкин.

Аудит бўйича Қумита мониторинг акционерлар Қумитаси билан ҳар ярим йилда бир мартадан кам бўлмаган учрашувлар ўтказиши лозим.

78. Мониторинг акционарлар қумитасининг раиси қумита ваколатига тегишли ҳамма масалалар бўйича жамият ҳужжатлари билан бемалол танишиш ҳуқуқига эга жамият тафтиш комиссияси, давлат назорат органларининг текшириш баённомалари, жамият ва унинг мансабдор шахсларига нисбатан суд қарорлари, шунингдек ҳамкор шахслар билан тузилиши мўжалланган битимлар ҳақидаги маълумотларни жамиятнинг ижро органи ва ички аудит органи томонидан ўрганиш баённомаси билан бемалол фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

79. Жамиятнинг ижро органи кумита раҳбари томонидан талаб қилинаётган ҳужжатларни ёки унинг нусхаларини 10 кун ичида, еки талабномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмасдан тақдим қилишга мажбурдир.

Олинган ҳужжатлар кумита раиси ёки аъзолари томонидан фақатгина хизмат мақсадида фойдаланишлари мумкин.

80. Қумита аъзоси хизмат, тижорат ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган сирни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас

Ички назорат органини Ижро органи, Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги

81. Жамиятнинг ижро органи ички назорат тизими тартибини тадбиқ этади ва уни самарали ишлашини таъминлайди, Кузатув кенгашини барча аҳамиятли хатарлар ҳақида ва ички назорат тизимидаги барча аҳамиятли камчиликлар, ҳамда уларни бартараф этиш бўйича режалар ва тадбирларнинг натижалари, ҳақида ўз вақтида огоҳлантиради.

82. Ижро органининг раҳбари, ички назорат органларига, ички назорат органларининг аъзолари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган, Жамият Бошқаруви мажлислар баённомаси ва Жамиятнинг бошқа ҳужжатларини етказиб берилишини таъминлайди.

83. Жамият ходимлари ички назорат органига текшириш ва хизмат текшируви ўтказишда ёрдам бермоғи лозим.

84. Ички назорат тартиби, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий баённомалар ва қонун бузилиш фактлари, содир бўлганлигидан хабардор бўлган, Жамият ходимлари бу ҳақда дарҳол ўзларининг бевосита раҳбарлари, шунингдек ички аудит Хизматини огоҳлантиришлари керак.

85. Стандарт бўлмаган ҳолатларда (техник адашиш, компьютер дастурларини хатолари, ҳужжатлар ва электрон ёзувларни йўқотиш, ҳисоб маълумотлари орасидаги фарқлар, хизмат йўриқномалари ва Жамиятнинг ички регламенти, ҳамда кўзда тутилмаган бошқа фактлар) аниқланганда, дарҳол улар ҳақида ўзларининг бевосита раҳбарларини хабар беришлари лозим. Тузилма бўлинмасининг раҳбари ўз навбатида, ички аудит Хизматини хабардор қилади.

86. Жамият тизимли бўлинма фойлатини текшириш вақтида, ходимлар ички аудит Хизмати ва Тафтиш комиссиясига керакли барча маълумот ва ҳужжатларни, шу жумладан электрон маълумотлар(маълумотлар базасидаги файл, маълумот (ёзувлар ва бошқ.)ни тақдим этишлари мажбур.

87. Жамият ходимлари ички аудит Хизмати ва Тафтиш комиссиясига текшириш ва хизмат текшируви ўтказилаётган вақтида, талабнома қўйилганидан ўтганидан икки кундан ўтмаган вақтда, аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан ўзларининг бажарган ҳаракатлари ҳақида ёзма шаклда тушунтириш беришга мажбурдир.

Ички назорат органи ва ўзлари ўртасидаги ҳамкорлик.

88. Аудит бўйича Кузатув кенгашининг ички назорат органининг ишини мувофиқлаштиради.

89. Аудит бўйича Кузатув кенгаши зарурат туғилганида ўзининг мажлисига Тафтиш комиссиясининг раиси, ички аудит Хизмати ва Жамиятнинг ташқи аудитори вакиллари, шунингдек Жамиятнинг Ижро органи ва ҳар қандай мансабдор шахсларини тақлиф этиши мумкин.

90. Кузатув кенгаши аудит бўйича Кузатув кенгаши ёки унинг раисини ички назорат органининг раҳбари билан ички аудит Хизмати ваколатидаги масалалар бўйича ҳар ярим йилда бир мартадан кам бўлмаган учрашувлар ўтказиши лозим.

91. Кузатув кенгаши Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текшириш натижалари, шунингдек аудити бўйича, ҳамда Жамиятнинг ҳамкор шахслар билан тузган битимлари ва йирик битимлар бўйича ҳар кварталда бир мартадан кам бўлмаган учрашувлар ўтказиши лозим.

92. Кузатув кенгашининг Қумитаси Жамият томонидан корпоратив қонунчиликка риоя қилиш ни баҳолаш ва таҳлил қилиши учун корпоратив маслаҳатчиси билан доимо учрашишлар ўтказиши лозим.

93. Ички аудит Хизмати Жамиятнинг молиявий-хўжалик операцияларини текширишда у ёки бу масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиши учун Тафтиш комиссияси аъзоларини жалб қилиши мумкин.

Х. Ички назорат тизимида ҳисоботларни шакллантириш таркиби ва регламенти.

94. Ички назорат органлари томонидан ўз вазифаларини бажариш чоғида, қуйидаги ҳисобот турлари тузилади:

- аниқланган қонунчилик, ички ҳужжат ва ички назорат тартиби бузилганида – камчиликлар аниқланган кундан 2 (икки) иш куни;

- квартал ҳисоботи – ҳар квартални натижаси бўйича, ҳар бир квартал тугаганидан сўнг, ўттиз кун ортиқ бўлмаган муддатда.

95. Аниқланган қонунчилик, ички ҳужжат ва ички назорат тартиби бузилгани бўйича бажарилган ишлар ҳақида ҳисоботда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) текшириш асослари ва уни ўтказиш муддати;

б) камчиликларни содир бўлиш сабаблари ва жавобгар шахслар доирасини аниқлаш;

в) аниқланган қонунчилик, ички ҳужжат ва ички назорат тартиби бузилишини бартараф этиш бўйича таклифлар;

д) худди шунингдек камчиликларга йўл қўймаслик учун тавсиялар.

96. Олдин аниқланган камчиликлар, бартараф этилмасдан, яна қайтарилганлик ҳолати аниқланса, камчиликларни аниқлаш ҳақида янги баённома тузилмайди. Бунда, олдин аниқланган камчиликлар, бартараф этилмагани ҳақида ички назорат органининг квартал ҳисоботига қўшиб қўйиш керак.

97. Бир турдаги қонунчилик ва ички ҳужжатлар (қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларини бир хил сабабларга кўра бузилишлари), шунингдек, бир текшириш жараёнида қонунчилик ва ички ўзаро боғлиқ ҳужжатлар бузилиши (агар бир хато иккинчисини пайдо бўлишига сабабчи бўлса), хатоларни текшириш ягона ҳисоботида акс эттирилиши мумкин.

98. Квартал ҳисоботида умулаштирувчи маълумотларга эга бўлиши керак:

а) ҳисобот квартали давомида уларни сони, аниқланган камчиликлар, тегишли хато ва камчиликларга йўл қўйиш сабаблари ва уларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик учун кўрилган чоралар ҳақида;

б) мурожаатлар, аризалар ва шикоятларни (кўриб чиқилган мурожаатлар, ариза ва шикоятларни сони, кўриб чиқилган мурожаатлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш натижасида аниқланган хатолар, тегишли хатоларга йўл қўйиш сабаблари ва уларни

бартараф қилиш ва келгусида Жамият фаолиятида шу каби хатоларга йўл қўймаслик учун кўрилган чоралари) ҳақида;

в) қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларини бузилишини олдини олиш бўйича тавсиялар;

г) Жамият томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг қонунчиликда белгиланган чекловлари;

д) манфаатлар низоларини ва хизмат маълумотларидан қонунсиз фойдаланишни олдини олиш учун йўналтирилган чораларни тадбиқ этиш бўйича;

е) Жамият фаолияти билан боғлиқ хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

99. Квартал ҳисоботида ходимларни малалкасини ошириш, Жамият ички назорат тизимини ташкил қилишни яхшилаш, шунингдек бошқа маълумотлар киритилиши мумкин.

100. Ҳисоботларни тақдим қилиш регламенти:

а) ходимлар томонидан – тузилма бўлинмалари раҳбарига тузилиш кунидан кейинги иш кунига қадар;

б) тузилма бўлинмалари раҳбарлари томонидан – Ижро органи раҳбарига, тузилиш кунидан кейинги иш кунига қадар;

в) Ижро органи раҳбари томонидан – Кузатув кенгаши ва акциядорлар Умумий мажлисига Жамият ички ҳужжатларида кўрсатилган ўзларининг ҳар квартал ва йиллик ҳисоботлари муддати ичида;

г) ички аудит Хизмати томонидан – Ижро органи, аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитаси раҳбарига ҳисоботларни туридан (тўсатдан, режали) ваа тақдим қилишнинг шошлинчлик характерида келиб чиқиб;

тўсатдан ўтказилган текшириш бўйича – тузилган кунидан кейинги куничида кечиктирмасдан;

режали текширишлар бўйича – Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда;

ички аудит Хизмати ёки Жамиятни бошқариш органи ташаббуси билан тўсатдан ўтказилган текшириш ҳолларда мазкур текширишлар ўтказиш учун қабул қилинган бошқарув ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда.

д) Тафтиш комиссияси томонидан – акциядорларни Умумий мажлисга Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда, тафтиш комиссияси ёки Жамиятни бошқариш комиссияси ташаббуси билан ушбу текширишлари ўтказиш учун бошқарув ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда;

е) Корпоратив маслаҳатчилар томонидан – Жамият томонидан Кузатув кенгашига Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда корпоратив қонунчиллик риоя этилиши ҳақида;

ж) Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан – акциядорларнинг умумий мажлисига, жамият ички ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда.

101. Ички орган текширишлари бўйича ҳисоботлар ва буюшқа ҳужжатлар Жамиятнинг қавтгий ҳисобда турадиган ҳужжатлари ҳисобланиб, агар қонунчиликда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, беш йилдан кам бўлмаган муддатларда сақланиши керак.

XI. Ички назорат тизимини мониторинги ва мустақил касбий ташкилотларни – Жамиятда ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш учун жалб қилиш тартиби.

102. Ички назорат тизими мониторинги– Жамият ички назорат тизими ишини самарадорлигини баҳолаш учун маълумот тўплаш.

103. Жамиятнинг ички назорат Мониторинг системи қуйдаги мақсадларда ўтказилади:

- ички назорат тизимини сифатини аниқ умумий вақт даврида баҳолаш;
- ички назорат тизими органи иш сифатини баҳолаш;
- ички назорат тизимини қобилиятини олдига қўйилган вазифаларни бажарилишини таъминланишини белгилаш;
- Жамият мақсадларига эришин учун хатолар пайдо бўлишини олдини олиш;
- бу хатоларни аҳамиятли эканлигини аниқлаш;
- ички назорат тизими такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш.

104. Мониторингнинг иш тартиби даврий баҳолаш кўринишида узлуксиз равишда бажарилиши мумкин.

105. Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш мезонини шакллантириш ва узлуксиз мониторинги ички назорат барча субъектлари – Жамиятнинг аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитаси, Тафтиш комиссияси, ички аудит Хизмати, корпоратив маслаҳачиси, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан амалга оширилади.

106. Ички назорат тизими ишини баҳолаш квартал даври Кузатув кенгаши томонидан аудит бўйича Кузатув кенгаши Қумитасининг ва Тафтиш комиссиясининг хулосаси, Жамиятнинг ички аудит Хизматини ҳисоботларинини тинглаш йўли билан амалга оширилади.

107. Йил якуни бўйича ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш йил якуни бўйича аудитнинг ўтказилиши шартнома доирасидаги профессионал консалтинг хизматини Жамиятнинг ташқи аудитори томонидан амалга оширилади.

Мустақил профессионал ташкилот– маслаҳатчи Жамият ташқи аудиторини танлаш тартиби каби танлов асосида жалб қилинади.

108. Жамиятнинг бошқариш органи қарори билан мустақил профессионал ташкилоти - маслаҳачиси ёки Жамиятнинг ташқи аудитори ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашни биринчи квартал, ярим йиллик ёки тўққиз ой натижалари бўйича ўтказиши мумкин.

Ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) бизнес-жараёнлар (фаолият), лойиҳалар ва тузилма бўлинмаларини Жамият мақсадларига, шу жумладан қонунга зид ҳаракатлар, суйистеъмоликлар ва коррупцияга қарши яхлитлиги ва мустаҳкамчилигини таҳлил ўтказиш;

2) бухгалтерия (молиявий), статистика, бошқарув ва бошқа ҳисоботларни ишончли таъминланишини текшириш, бизнес-жараёнлар ва Жамиятнинг тузилма бўлинмалари, қўйилган мақсадларга қанчалик мос эканлигини аниқлаш;

3) қўйилган мақсадларга бажариш (эришиш) даражасини таҳлил қилиш учун Ижро этувчи органлар томонидан белгиланган мезонларга мувофиқлигини аниқлаш;

4) ички назорат тизимини Жамиятни кўйилагн мақсадларига эришига йў қўймаётган, хатоларини аниқлаш;

5) хато ва камчиликларни бартараф этиш тадбирларини тадбиқ этиш (амалга ошириш), Жамият томонилан бошқарувнинг барча босқичларида амалга оширилаётган ички назорат тизимини такомиллаштириш натижаларини баҳолаш;

6) ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш;

7) активлар сақланишини таъминланишини текшириш;

8) қонучилик, Жамиятнинг Низоми ва бошқа ички ҳужжатларига риоя этилишини текшириш.

Хатарларни бошқариш тизимини самарадорлигини баҳолаш ўз ичига:

1) хатарларни (мақсад ва вазифалар, инфратузилма, жараёнларни ташкил этиш, нормативғуслугий таъминлаш, хэатарларни бошқариш доирасида тузилма бўлинмаларини ўзаро ҳамкорлиги, ҳисобот) бошқариш самарадорлиги учун хатарларни бошқариш тизими етуклик элементлари ва етарлик эканлигини текшириш;

2) Жамият бошқаруви раҳбарлари томонидан, унинг барча бошқарув босқичларида аниқланишнинг тўғрилигини ва хатарларини баҳолашнинг тўғрилигини текшириш;

3) хатарларни бошқариш бўйича назорат тартиби ва бошқа тадбирлар, шу жумладан ушбу мақсадларга ажратилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини текшириш;

4) ички аудиторлик текширишлар натижасида аниқланган камчиликлар, кўйилган мақсадларга етиша олмаганлик факти, суд судда ишни кўриш фактлари бўйича) амалга оширилган хатарлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил этиш.

109. Ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимининг барча босқичлари мустаҳкамлилигини, тегишли кўринишдаги барча тизимни ёки алоҳида процедуралари ва назорат воситаларининг тегишли баҳосини кўрсатган ҳолда ҳужжатлаштирилиши лозим.

110. Мустақил профессионал ташкилотнинг ҳисоботи – Жамиятнинг ички назорат тизими ҳолати бўйича маълумот бўйича маслаҳатчиси ёки ташқи аудитори томонидан хато ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялари мавжуд бўлган маълумотлар бўлиши керак.

111. Мустақил профессионал ташкилотнинг ҳисоботи – Жамиятнинг ички назорат тизимини баҳолаш бўйича Жамиятнинг маслаҳатчиси ёки ташқи аудитори Жамиятнинг йиллик натижалари ва йиллик ҳисоботи Кузатув кенгашининг ҳисоботини асосий қисмидир.

112. Мустақил профессионал ташкилотнинг хулосаси – Жамиятнинг ички назорат тизимини баҳолаш бўйича Жамиятнинг маслаҳатчиси ёки ташқи аудитори Жамият акциядорларининг йиллик мажлисига олиб чиқилади.

113. Жамиятнинг аудит бўйича Кузатув кенгашининг Қумитаси Мустақил профессионал ташкилотининг хулосасига асосан – Жамиятнинг маслаҳатчиси ёки ташқи аудитори томонидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш режаси ишлаб чиқилади, шунингдек бажарилган ишлар бўйича ички назорат ҳисоботларини тинглаш йўли билан мониторинги ўтказилади

ХII. Ички назорат органига бадал ва мукофот пулларини тўлаш ҳисоб-китобининг тартиби.

114. Жамият ички назорат аъзоларига бажарган ишлари даврида ўз вазифаларини бажарганлиги учун мукофот ё/ ёки ички назорат органи аъзосининг вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун товон пули тўланиши мумкин.

115. Жамият ички назорат аъзоларига мукофот ва бадал пулларини ҳисоб-китоб тартиби Жамиятнинг акциядорларини Умумий мажлиси ёки Жамият Кузатув кенгашини ёки Жамиятнинг алоҳида ички ҳужжатларида –Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларини мукофотлаш тартибида белгиланади.

116. Жамият ички назорат аъзоларига мукофот ва бадал пулларини миқдори Жамиятнинг ташқи аудитори ёки маслаҳатчиси – мустақил профессионал ташкилоти томонидан ўтказиладиган, ички назорат тизими самарадорлигини баҳосидан келиб чиқиб, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра, Жамият акциядорларини Умумий мажлиси қарори билан белгиланади.

XIII. Маълумотларни ошкор қилиш.

117. Жамият корпоратив веб-сайтида қуйидагиларни жойлаштиради:

- тегишли қарор қабул қилинган, Жамият акциядорларининг Умумий мажлис баённомаси имзоланган кундан 5 (беш иш куни мобайнида ушбу Йўриқнома, ҳамда унга тегишли барча ўзгартириш ва қўшимчалари билан;

- Жамиятнинг ички назорат органининг таркиби ҳақидаги маълумот;

- мустақил профессионал ташкилотининг - Жамият маслаҳатчиси ёки ташқи аудитининг Жамиятда ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш ҳақидаги йиллик хулосаси;

- Жамиятнинг ташқи аудитори томонидан тақдим қилинган аудиорлик хулосасини баҳолаш аудит бўйича Кузатув кенгашининг Қумитаси томонидан тайёрланган маълумот.

XIV. Яқуний ҳолат.

118. Мазкур Йўриқнома акциядорлар Умумий мажлиси қарори билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

Ушбу Йўриқномани тасдиқлаш бўйича акциядорларни Умумий мажлиси қарори, мажлисда иштирок этаётган акциядорларни кўпчилик овози билан қабул қилинади.

119. Ушбу Йўриқномага қонунчиликнинг ўзгариши, Жамият Низоми ёки ички ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар Кузатув Кенгашининг, Кузатув кенгашининг Қумитасини аъзолари (Жамиятни ички назорат тизимни самарадорли ишлаши учун маъсул Кузатув кенгашининг аъзоси) Тафтиш комиссияси, ички аудит Хизмати, корпоратив маслаҳатчи ва Жамиятнинг Ижро органининг таклифига асосан киритилдади.

Мазкур Йўриқномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқлангандан сўнг кучга киради

Ушбу Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тасдиқлаш бўйича акциядорларнинг Умумий мажлиси қарори мажлисида иштирок этган акциядорларни кўпчилик овози билан қабул қилинади.

120. Агар мазкур Йўриқноманинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ё/ёки Жамият Низомига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалардаги тартибга солинувчи масалалар қисми, мазкур Йўриқномага тегишли ўзгартириш киритилгунига қадар, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик нормаларига асосланади.